



# Тасвир

## «БАРЧА ПОСТЛАРГА:



Ҳазорасп тумани ИИБ ходими, милиция катта сержанти Уктам Тўраев ўзига бириктирилган хизмат машинасида Дружба шаҳрига қараб бораётганди. Бир маҳал рақиянинг овозидан хушёр тортди.

«Барча постлар диққатига! Чет элда ишлаб чиқарилган «Форд» белгили В 0728 ОС рақамли автомашина қандай қилиб бўлмасин, қўлга олинсин! Лекин унда қуролланган хавфли шахслар бор. Қайтараман...»

Шу пайт айtilган машина зувиллаб унинг ёнидан ўтиб кетди. Ортидан қувмоқчи бўлди. Лекин бефойда. Уни қуввиш — отлиқ кишининг ортидан шиёда югуришдек гап. Шу боис рақия орқали ИИБ навбатчиси билан боғланиб, қидирилатган машина катта тезликда Дружба шаҳри томонга ўтиб кетганлигини айтди. Навбатчи эса бу ҳақда 5-ДАН постига хабар қилди.

Бу ерда навбатчилик қилаётган милиция катта сержанти Бахтиёр Волтаев «чақирилмаган меҳмонлар»ни кутиб олишга ҳозирлик қўра бошлади. Автовокзал диспетчери Бахтиёр Бектурдиев билан йўлни тўсди. Ниҳоят, «Форд» ҳам етиб келди.

Инспектор жиноятчиларни шубҳалантирмаслик учун бошқа машина ҳайдовчиларининг ҳужжатларини ҳам текшира бошлади. Шу орада «Форд» шофёрининг ҳужжатларини ҳам олди.

— Илтимос, ака, бизни тезроқ қўйиб юборсангиз, жуда шошилиб турибмиз, — деди у.

Лекин инспектор шу пайтда қандай қилиб бўлмасин, уларни қўлга олиш режасини туза бошлади. Бахтига Гагарин давлат хўжалигидан хизмат вазифасини ўтаб қайтаётган



давлат ёнғиндан сақлаш назорияти ходими, ички хизмат лейтенанти Умар Аезов келиб қолди. Шундан сўнг «Форд»да ўтирганлар ҳибса олинди.

Туман ИИБда машина кўздан кечирилганда, 31 минг 990 сўм пул топилди. Энг муҳими бутуяиттифоқ қидирувида юрган хавфли жиноятчи Норбой Эсирғалиевнинг «сафар»ига яқун ясалди.

Саъдулла БОБОЕВ.

**СУРАТЛАРДА:** 1. Жиноятчилар машинаси тинтиб кўрилмоқда. 2. (Чапдан ўнгга) милиция катта сержантлари — милиционер-ҳайдовчи Уктам Тўраев, ДАН инспектори Бахтиёр Болтаев ва давлат ёнғиндан сақлаш назорияти ходими, ички хизмат лейтенанти Умар Аезовлар қўлга олиш операциясидан сўнг.

3. «Форд»дан топилган ашёвий далиллар.

Суратларни муаллиф олган.

## ЭНГ МУҲИМИ—МАЛАКА

Бир неча йиллик тажрибамдан маълумки, мунтазам равишда ўқиб-ўрганиш хизматда катта самара беради. Ана шу нуқтан назардан қараганда Тошкентдаги олий милиция мактаби қошида бир неча йил муқаддам очилган малака ошириш куллийтининг аҳамияти бекиёсдир.

— Бу ерда ҳар йили иттифоқимизнинг турли жумҳуриятларидан келган ички ишлар ходимлари ҳам таҳсил олишмоқда, — дейди куллийт бошлиғи Незмат Ваҳобов.

Мен айни пайтда Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркма-

нистондан келган 27 нафар ҳамкасбларим билан бирга сабоқ олмақдаман. Энг аввало маърузаларининг жуда қизиқарли ташкил этилиши диққатга сазовордир. Қолаверса, Тошкент шаҳри ва вилояти ИИБларида амалий машғулотлар ўтказиб, тажриба алмашмоқдамиз.

Урганганларимиз келгусида албатта асқотади, деб ўйлайман.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,  
Коммунистик тумани ИИБ  
бошлиғининг ўринбосари,  
милиция капитани.

## МИҚДОРИ КўПАЙТИРИЛСИН

Ҳурматли муҳарририят, «Поста» рўзномаси турғунлик йилларида бекор қилинган эди. Бу йил унинг қайта тиклангани бизни жуда қувонтирди. Яна шуниси қувонарлики, халқимиз «Поста» орқали милиция ҳақида ошкор фикр билдириш имконига эга бўлди. У ўз ўқувчилари, мухлисларини тезда топа олди, шунинг учун бўлса керак, рўзнома дўконларидан уни топиш амримаҳол бўлиб қолмоқда. Биз, бир гуруҳ милиция ходимлари илтимос қилар эдикки, рўзноманинг тиражи кўпайтирилса ва шаҳар ИИБ қошидаги «Союзпечать» дўконига кўпроқ жўнатсангизлар.

Рўзноманинг «Поста» деб номланиши ҳам тўғри эмас. Чунки, «...қаерда ишлайсан», — деб сўраса, «Поста»да, деб жавоб бериш ҳам қулғули.

И. РАҲИМОВ,  
Ш. ШОДИБЕКОВ,  
Ш. САМИЕВ,  
А. БОИХУЖАЕВ.  
Тошкент шаҳар ИИБ  
ходимлари.

## ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР...

### ЎҒРИЛАР ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Туман (Тюмень) шаҳридаги кичик корхоналардан бири ўғрилар тилининг (I) изоҳли луғатини чоп этишга қарор қилди. Китоб муаллифларининг номи қаттиқ сир сақланмоқда, ҳатто луғатни тузишда «қатнашганлик» учун тўланадиган қалам ҳақи ҳам бошқа кишилар орқали берилди. Луғат муаллифлари — «касб» тилининг ҳақиқий билимдонлари, ҳар бири содир этган жинояти учун камида ўн йилдан ўтириб чиққанлар.

Янги китобни биринчи бўлиб ўқиш шарафи Туман шаҳри милицияси ходимларига насиб этади.

### ИЛТИМОС, ТУРМАГА ҚАЙТИНГЛАРИ

Кутансидати тергов қамоқхонасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қочиб юз бергани ҳақида хабар бергандик. Зилзила пайтидаги тўс-тўполондан фойдаланган 580 маҳбус соқчиларни қуролсизлантирди ва девордан очилган тўнук орқали бош оққан томонга қараб жўнади. 5 май куни милиция 250 кишини ушлашга муваффақ бўлди.

Гуржистон жумҳурияти ИИБ кўнгилли равишда қамоқхона-

га қайтган маҳбусларга қочганлиги учун ҳеч қандай жазо берилмаслигини билдирди.

Гуржистон жумҳурияти ИИБ матбуот марказидан хабар беришларича, шундан кейин 100 дан зиёд маҳбус қайтиб келган. Ҳозир турмада 380 киши яна қисматини кутиб ётибди. Асосан оғир жиноятлар қилган қолган қочоқларни қидириш давом этмоқда.

### АЛОҲИДА РЕЖИМЛИ ҚИМОРХОНА

Новосибирск ахлоқ туза-тиш бошқармасининг «Трудовые будни» ҳафталиги маҳкумлар ўртасида қиморбозликка очик рухсат бериш таклифи билан чиқди. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, «қиморхона»даги ютуқдан олинмадиган чўтал пули колония кассасига тушиб боради. «Ўтирганлар»нинг меҳнат фаолиятини кучайтириш учун зоналарда пулли кўнгилочар томошалар ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда. Жумладан, маҳкумлар бильярд, видеосалон ва автомат ўйинлардан фойдаланишлари мумкин. Бу фикр кўпчилига, табиийки, айниқса, маҳкумларга маъқул тушмоқда.

«Комсомольская правда»  
рўзномасидан таржима.

## ИШОНТИРИШ МУМКИН...

ЎзССЖ ички ишлар идораларида милиция ходимларидан сайланган 697 халқ ноиблари бор. Улар шаҳар, туман, посёлка, қишлоқ Кенгашиларида анчагина хайрли ишларни амалга оширмоқдалар 13 ноиб вилоят, 3 нафари жумҳурият Олий Кенгашида фаолият кўрсатмоқда. Деярли ҳар бир хизматдан ноиблар бўлишига қарамай оператив ҳолатда ўзгариш сезилмаяпти. 1989-90 йиллар якуни таҳлил қилинганда, жиноятчиликнинг ўсиши кузатилмоқда. Булар фуқаролар шаъни, соғлиги ва ҳаётларига жинсий қасд қилиш кабилардир. Тўда бўлиб жиноят содир этиш, вояга етмаганлар орасида қонунбузарликлар кўпайиб бормоқда. Ичкиликбозлик, гнѐхвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам ўсган. Давлат мулкни кўриқлаш тўлиқ таъминланмаган. Ёнғиндан сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Бундан ташқари социалистик қонунчилик ва интизомнинг бугунги аҳоли ИИБ раҳбариятини жиддий безовта қилмоқда.

Бу каби масалалар ноиб-милиция ходимлари билан учрашишни тақозо этди. Унда ечимини кутаётган кўплаб муаммолар ўртага ташланди.

ЎзССЖ Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 16 январь 19-сонли қарорига биноан ИИБ моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ЎзССЖ Олий Кенгаши қабул қилган 1990 йил 31 октябрдаги «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ҳақида»ги қонун ижроси юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида ҳуқуқшунос-олимлар билан ҳамкорликни яхшилаш каби масалаларга эътибор берилди.

Бундан ташқари хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг қашшоқликдан бериқроқ яшаётган оилаларига имкон борича ёрдам бериш зарурлиги таъкидланди. Ноиблар махсус ҳисоб очишни тақлиф қилдилар. Шунингдек Тошкентда ССЖИ Давлат Банки Ўзбекистон жумҳурияти банкнинг операциялар бошқармасида, 729002 кодли 000140566 ҳисоб очилди. Унга барча ташкилот ва корхоналар истаганча маблағ ўтказиши мумкин.

Ноиблар томонидан ИИБ раҳбариятига кўплаб саволлар ва тақлифлар тушди. ИИБ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бошқармаси барча тақлиф, истақларни назоратга олди ва уларни амалга ошириш учун барча имкониятларни сарфлайди, деб ишонтиради.

**М. ИВАНОВ,**

**ЎзССЖ ИИБ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги.**



АНДИЖОН вилояти ИИБ ДАНБда хизмат бурчини намунали ўтаётган ходимлардан бири милиция кичик сержанти Мухиддин Жўраевдир. У яқинда 12 тонна пнеўзни жумҳуриятдан четга олиб чиқиб кетилаётганини аниқлади.

**Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ** олган сурат.

Унинг 1988 йилдаги жасорати ҳали-ҳануз оғиздан тушмайди.

Қилмишига яраша уч марта судланган бир шахс тўртинчи марта жиноят содир қилиб, қочиб юрарди. У шундай айёрлик билан ҳаракат қилардики, қўлга олишга анча-мунча вақт кетди. Бу орада фуқаролардан бирининг «Москвич» машинасини олиб қочди, икки кишини қаттиқ уриб, тан жароҳати етказди.

ИИБ бошлиғи барча шахсий таркибни шу ишга жалб

унинг қўлидаги қуролни тушириб юборди. Шай турган йиғитларимиз ҳам ёрдамга шошилишди, биргаликда унинг қўлларига кишан солишди.

— Таваккал қилишга қандай журъат этдингиз?— деб сўрадик кейинроқ бафуржа ўтирган пайтимизда.— Ахир у...

— Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади,— дейди у ҳазил аралаш. Кейин бир мунча жиддий тортди.— Ахир, кимдир шундай қилиши керак эдида. Нима учун

## БУРЧГА САДОҚАТ

этди. Учта гуруҳ тузилиб, жойларда постлар ташкил этилди.

Тез орада гуруҳларнинг биридан хабар келди. Жиноятчи қуршовга олинган. Лекин таслим бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаяпти, қирқма милтиқ билан қуролланган экан.

Зудлик билан ёрдамга етиб бордик. Чиндан ҳам вазият мураккаб эди. Жиноятчи машина ёнида турар, ким яқинлашса, отиб ташлашини қайта-қайта такрорларди. У билан музокара олиб бордик. Лекин фурсат ганимат, тезроқ уни зарарсизлантирмасак, халқ ибораси билан айтганда «дордан қочган» шериклари ёрдамга келишлари мумкин эди.

Ана шундай қалтис дамларда Тошкент ака жиноятчига қараб ўқдек отилди ва

бошқа ҳамкасбларимни ажалга рўбарў қилиб, бир четда туришим керак?

Ҳа, туман ИИБ паспорт столи бошлиғи, милиция капитани Тошкент Назаров шундай одам. Тўғриси айтганда жамоамиз фахри.

Унинг бурчига садоқатини фақат биз эмас, бошқа фуқаролар ҳам яхши билишади. Ўтган йили уни Кўкчинор қишлоқ Кенгашига депутат қилиб сайлашди. Ташвишлари янада ортди. Қишлоқда чойхона қуриш, мактабда қўшимча синфхоналар барпо этиш, ичимлик суви олиб келиш керак. Умуман иш кўп. У ҳаммасига улгурди, қўл урган юмушини бажармагунча тиним билмайди.

**Баҳриддин АЛИМҚУЛОВ,**  
**Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари,**  
**милиция капитани.**

## МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

Сирдарё вилоятининг Комсомол туманида 40 мингдан ошиқ аҳоли яшайди.

1990 йил охирида туман ҳудудида фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш ҳоллари кўпайди. «Ленинград», Охунбобоев номли, «Баҳор» давлат хўжалиқларида, вилоят марказида, «Товуқ фабрикаси» посёлкасида аҳвол ташвишли даражага етди.

Комсомол тумани ИИБ ходимлари «Товуқ фабрикаси» посёлкасида кузатиш ишлари олиб борди. Х. номли фуқаронинг уйи текширилганда, ўғирланган кўплаб моллар

чиқди. Гафлатда қолган Х. 8 та хонадонни «тозалаганини» тан олди.

ИИБ асосий диққат-эътиборни жиноятчиликнинг олдини олишга қаратган. Шу мақсадда «Комплекс», «Ўсмир» номли операциялар ўтказилди. Ва бу жиноятчиликнинг қайта-қайта такрорларди. У билан музокара олиб бордик. Лекин фурсат ганимат, тезроқ уни зарарсизлантирмасак, халқ ибораси билан айтганда «дордан қочган» шериклари ёрдамга келишлари мумкин эди.

1991 йилнинг 1-чорагида 866 та майда ҳуқуқбузарлик аниқланиб, уларга зарур чоралар кўрилди.

— Жиноятни очишнинг янги

усулларини изламоқдамиз, — дейди ИИБ бошлиғи Э. Асқаров. — Ҳуқуқбузарликка қарши курашда жамоатчиликни кўпроқ жалб қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Участка инспекторлари маҳалла кўмиталари, ўртоқлик судлари билан бирга яхши ишларни амалга ошириш имконига эга. Шу мақсадда участка вакиллари ҳар бир жамоа хўжалиғига биркирилди. Хўжалиқлар бутун харажатларни ўз зиммаларига олишгани ҳам бизнинг масъулиятимизни яна бир қарра оширади.

**Р. ШОМУҲАМЕДОВ,**  
**милиция капитани.**

## ДАРОМАД БЕКОР КЕТДИ

Туркменистон жумҳуриятининг Газачак посёлкасида истиқомат қилувчи Реймбой Эрэшов мўмай даромад топиш мақсадида дўконлардаги «улфат»ларидан 330 пачка

«Интер», 66 пачка «Родони» сигареталарини сотиб олдида, Хоразмга йўл олди. Реймбой Ҳазорасп шаҳрида яшовчи Р. Маҳмудовага ҳар пачка сигаретани бир

сўмдан сотиб, 202 сўм «даромад» қилиб турганида қўлга олинди.

Бугун-эрта у ўз қилмишига яраша жазо олади.  
**Б. САЪДУЛЛАЕВ,**  
**Хоразм вилояти.**

## НАЙРАНГ

Маданиятимиз, фан-техникамиз ривожланган сари ишбилармон кишиларимиз ҳам кўпайиб бормоқда. Улар ўз имкониятларини синаб кўриш учун барча қўлайликларга эгалар. Айрим қонунларнинг бўлиши, бажарилиш назорати йўқлиги каби ҳолатлар эса баъзи ишбилармонларнинг ўзгача мақсадларига хизмат қилмоқда.

1990 йилнинг апрель ойида Коммунистик туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиғи ҳудудида жойлашган «Алина» ширкати Россия шаҳарларидан биридаги ширкат билан келишиб

27.185 сўмлик қандолат маҳсулотини сотиб олди. Аммо бу нозик ва ноёб молни сақлаш олмади ширкатчиларнинг боши қотди. Бу фурсатда унинг анча қисми эриб, яроқсиз қолга кела бошлади. Ниҳоят уни шу ширкат ҳайдовчиси А. Йўлдошевнинг уйига жойлаштирадиган бўлишди. Ширкат аъзолари Далабой билан Маҳкамларнинг фикрлари бир жойдан чиқиб қолди. Бундан ўз мақсадлари йў-

лида фойдаланишни режалаштириб қўйишди. Обдон ишни пиширтгач, икки танишидан озгина хизмат қилиб беришни, бунинг эвазига яхши ҳақ тўлашни айтиб, А. Йўлдошевнинг уйига юборишди.

— Шеф товарларни зудлик билан бериб юборишингизни тайинлади. Бўлинг, биз олиб кетамиз...

Акрам ҳам хўжайиннинг гапи буйруқ, дегандек суриштириб ўтирмади. Йўлда

кутиб турган Далабой билан Маҳкамлар 990 килограмм қандолат маҳсулотига эга бўлишди. Унинг бир қисмини яхшигина пуллашган бўлса, бир қисмини ёқиб юборишди. 545 килограмми эса ички ишлар ходимлари томонидан топилиб, ширкатга қайтарилди.

Бу фирибгарлик ва ўғирликни очишда терговчилар милиция катта лейтенантлари Тоҳир Шоназаров, Аҳмаджон Саутовларнинг хизматлари катта бўлди. Чунки бу жинсий иш ўтган йили очилмай қолган эди.

**Б. ҚОСИМОВ,**  
**милиция майори.**

## «02»

## ХАБАРЛАРИ

АНГРЕН қони устаси 30 ёшли А. Сатторов ошнаси «Средазуголь» автокорхонаси ҳайдовчиси 29 ёшли А. Жайлов билан биргаликда 29 ёшли Х. Қобиловни роса калтаклашди. Оқибатда Х. Қобилов оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

БҲКА тумани кинотармоғининг ходимлари Т. Эшматов ва И. Сулаймоновлар нимадан талашиб муштлашганини тергов аниқлайди. Оғир тан жароҳати олган И. Сулаймонов шифохонада даволашга мажбур.

ЯНГИЙҮЛ шаҳрилик Р. Ҳакимовнинг хонадонига ташриф буюришган чақирилмаган меҳмонлар уй соҳибини пичоқ билан қўрқитиб, 1.100 сўмлик буюмларини ўғирлаб кетишди.


ЧИРЧИҚ шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан қўлга олинган М. бир неча хонадонни ва шахсларни тунанган экану, бу ҳақда ўзи айтмаса, жабрланувчиларнинг ҳаёлига ҳам кириб чиқмабди.

ҒАЛАБА тумани «Сирғали» шўро хўжалиғидаги 57-ўрта мактабнинг стадионида футбол ўйини айти авжга чиққан пайт дарвозада турган 9-синф ўқувчиси Э. Абдурахмоновнинг бошига дарвозанинг юқори тўсини тушиб кетди. Эргаш касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

БЕКОВД шахрининг гишт заводи қоровули 27 ёшли Ш. Раҳмонов «Коммунизм» жамоа хўжалиғидаги каналда электр қуввати ёрдамида балиқ овламоқчи эди. Афсус бу нияти ўзининг умрига завоқ бўлди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,  
ички хизмат майори.

# «ВАСЬКА», «МУРКА» ВА БОШҚАЛАР



## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ ХОНАДОНЛАРДАН БИРИГА БОСҚИНЧИЛАРЧА ҲУЖУМ ҚИЛИШДИ

— Оператив гуруҳ «Жанубий» темир йўл шоҳбонати олдидаги сауна томон ошиқди. Ҳаммомда Василий Мумряк ўзининг соҳибжамоли билан бу дунё ташвишларидан холи бўлган ҳолда лаззатланарди. Улар олдида Мурка ўз гўзали билан 2-автокомбинатга қарашли «ГАЗ—24» белгили 7633 ТНА рақамли енгил машинада келиши керак эди. Шундай бўлди ҳам.

Рустам машинадан чиққан заҳоти изқуварлар ҳайдовчи ёнига ўтиришди ва ўзларини таништиришди. Рустам ҳам ҳибсага олинди. Саунадаги Мумрякни яланғоч ҳолда ушлашга тўғри келди.

Қароқчиларнинг иккитаси Ориф Жумаев ва Холбой Сатторовни ётоқхонада қўлга олишди. Қирқма миллияк ҳам шу ердан топилди.

— Дастлабки тергов шунини кўрсатди-ки, — дейди милиция капитани Шавкат Зиёмухаммедов, — Мурка лақабли Рустам Муротов бу босқинчиларнинг етакчиси экан. У 1966 йилда туғил-

ган. Ишлаш ва ўқишнинг тайини йўқ. Муқаддам суланган. Олдин ҳам Чилонзор даҳасидаги 4-маҳаллада яшайдиган Соғия Қодирова уйига ўз ҳамтовоғи Василий Мумряк билан кириб, қирқма миллиякни ўқталишган. Уй соҳибасини қўрқитиб, турли буюмларни ўмариб кетишган. Шаҳар миёёсида, худо билсин, улар яна қанча ўғирлик, босқинчилик, инсонлар номусига тажовуз қилишган. Биз ҳозир шуларни аниқлаштиряпмиз.

Мумряк жиноятчилар ичида энг ёши. 20 баҳорни қаршилаган. Асли Херсонь вилоятидан. Тюмендан бир ой олдин пойтахтимизга келиб, ҳикоямиз «қарамонлари» билан танишган. Ишлаш ва яшаш жойининг тайини йўқ.

Қолган босқинчилар ҳам Рустамнинг тенгдоши — уларнинг ёши 21-25 да.

Бўлган воқеани баён этиб уни тугатар эканмиз, жамиятимизнинг «қуртлари ўз жазосини олишга ишонамиз.

Ҳабиб ШУКУР,  
«Постда» мухбири.

Кечқурун соат 10 ларда тўрт шарпа Рустам Муротов, Ориф Жумаев, Холбой Сатторов, Василий Мумряк шаҳримиз фуқароларидан бирининг хонадонига ташриф буюришни лозим топишди. Йигитлардан бири уй эгасининг ўғли. Диманинг исмини айтиб, эшик қўнғироғи тугмасини босди. Дима ҳаллос-

лаб эшикни очган ҳам эдики, тўртловлон ичкарига зудлик билан киришди ва қирқма миллиякни кўрсатиб, уй эгаларининг ўтакасини чиқарворишди.

Меъзонлар ҳангу манг бўлиб, тиллари калымага келмай қолди.

— Тезроқ, тезроқ. Мурка, илдамроқ ҳаракат қил. Вась-


ка, бўлақолсангчи, — деди миллияк стволниги уй эгасига тўғрилаб турган йигитлардан бири. — Лаш-лушларни йиғиштир. Пастга олиб тушларинг.

Бир зумда видеомангитфон, телевизор, чет элда ишлаб чиқарилган магнитофон, кассеталар, уй эгаларига таллуқли бўлган қимматбаҳо кийим-кечаклар йиғиштирилди ва қора шарпалар гоёиб бўлишди.

Чилонзор тумани ИИБ жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи ўринбосари милиция капитани Шавкат Зиёмухаммедов ва Тошкент шаҳар яқроия қўмитаси ИИБ ходими милиция майори Александр Белоусов хабар олингандан сўнг Чилонзор даҳасидаги 19-маҳалланинг 42-уйида жойлашган «Главташкентстрой»га қарашли 35-ётоқхонага отланишди. Аммо 65-хонада яшайдиган шубҳа остидагилардан бирортасини учратишмади. Ётоқхонага кирверишда бўлажак иш режаларини тузиб туришган эди... Шу пайт ваҳтёр олдида қуюқ-сууқ салом бериб ўтаётган йигитлардан бири улар диққатини тортди.

...Холбой Сатторов тезда иқроор бўлди. Ҳақиқатдан улар жабрланган кишилар яшайдиган жойга тунаш мақсадида киришган ва қароқчилар сингари иш туттишган. Шерикларидан бирининг лақаби «Васька», иккинчисиники эса «Мурка». Улар 45 минг сўмлик буюмларнинг баъзи бирларини харидорларга пуллаб, 7 минг сўм олишга улгуришибди.

Рустам (Мурка) эса оғайниларининг дам оладиган жойини айтди.



СУРАТЛАРДА: 1. Чилонзор тумани ИИБ катта терговчиси милиция катта лейтенанти Ражаб Сафаров Рустам Муротовдан воқеа тафси лотини сўраётган. 2, 3, 4. Босқинчилик натижасида қўлга киритилган буюмлар, қаром пуллар ва қирқма миллияк. Муаллиф олган суратлар.

# ЖИГАРИСТОН: ФАЛОКАТ ВА ЖАСОРАТ



Олидан бир кетмон тупроқ олингандай туюлаётган мана шу қир бугун бутун ўзбек юртининг аламли фарёдига айланди. Зе-

ро унинг тупроқлари остидан ўзига яраша қувончу ташвишлари билан яшаётган ҳамюртлариниз ҳалок бўлишди.



Бутун жумҳурият аҳли жигаристонликлар қайғусига ҳамдард бўлди. Бухоро вилояти Кониমেҳ туманидан 50 бош қўй жўнатишди.

МАХСУС МУХБИРИМИЗ  
ҲАБИБУЛЛА ШОДИЕВ  
ТАИЕРЛАГАН СУРАТЛИ  
САҲИФА




Ангрен шаҳридаги 5-мус-тақил ҳарбий ўт ўчириш қисми инспектори ички хизмат катта лейтенанти А. Маматов (ўнгда) жанговар шайликда турган ҳамкасбларига йўл-йўриқ бермоқда.



Фалокат юз берган куннёқ Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг штаби тузилди. У жамоат тар-

тибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва одамларни беҳавотир

жойга кўчириш масалалари ҳал этилишини ўз зиммасига олди.



Хавфли зонадаги шиларини бузиш ишлари да-кастланган турар-жой биновом этмоқда.



Уша кунни бутун вилоят милицияси ташвишли хабар бўйича оёқда турди. Ангренлик ҳамкасбларига Чирчиқ, Олмалиқ, Охангарон

шаҳарлари, Коммунистик, Урта Чирчиқ, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Калинин, Тошкент туманлари ИИБ

ходиялари ёрдамга етиб келишди. Улар кечасио кундузи соқчиликда туришибди.



Вилоятнинг турли транспорт хўжаликларидан келган ҳайдовчилар вақт билан ҳисоблашмасдан вайронагарчиликларини тугатиш, турли-туман халқ хўжалик юкларини ташин борасида жонбозлик кўрсатишмоқда.

# СЕВГИ СИРТМОҒИ

Эргаш ака Тошкентга келди-ю, таниш нигоҳлар назоратидан қутулганига ишонди. Қўлида бола-чақасининг ризқидан чегириб ортирган пуллари, Дарров томоғини ҳўллаб олди-да, «Тошкент» меҳмонхонаси ёнидан ўтган-кетган аёлларга шилқимлик қила бошлади. Ҳар қалай унинг изҳори муҳаббатини ерда қолдирмайдиганлар ҳам топилиди. Ноз-карашмаларга учган Эргаш вақтинчалик муҳаббат учун дунёнинг бурчагига ҳам борадиган мардлардан чиқиб қолди. Аёлларнинг муғамбирона ишвасига илинган севги шайдоси уларнинг «хоти, хилватгина бир жойга борамиз», деган таклифини бутун вужуди билан қувватлаб, такси тўхтата бошлади. Калинин ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳар 2-авторемонт заводига қарашли дам олиш зонасига кириб келишди. У ерда эса икки марта «ўтириб» чиққан, ҳеч қаерда ишламай Эргашга ўхшаган «мажнунларни» тунаб кун кўрадиган Б. Дадаев, Р. Абдуллаев ва Р. Мавлоновлар тавозе билан меҳмонни кутиб олишди. Унинг нақд 1300 сўм пулини, бола-чақасига олган совға-саломларини, уст-бошини ечиб олишгач, Эргашнинг дарров кайфи тарқаб, ўзига келди. Жиноятчиларни бу ҳам қаноатлантормади. Яхшиликча 5000 сўм топиб беришга кўндиришди.

500 сўмга Юсьян Сергейнинг «ВАЗ-2111» маркали 95—85 ТНФ автомашинасини ёллаб, жиноятчилар ҳамроҳлигида Сурхондарёга йўл олди. Бора-боргунча бу аҳволдан қутилиш чорасини ўйлади. Қайси юз билан бола-чақаси кўзига қарайди. Неча йиллар давомида уларнинг ризқ-насибасидан қийиб топган пулларини шу жиноятчи аблаҳларга топширадими? Узоқ иккила-нишдан сўнг, таваккал қилиб машинани Сурхондарё вилоятининг Гагарин туманидаги Комсомолбод посёлкасида жойлашган ИИБ биноси ёнида тўхтатишни буюрди.

— Сизлар шу ерда кутинглар. Тагин хотиним билиб қолмасин. Иш расво бўлади-я...

Ичкарига кириб, навбатчи Э. Холмуродовга бўлган воқеани тушунтирди. Жиноятчилар қўлга олинди.

Улар қўлга олинди. Аммо ушбу жиноят бўлмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди. Унинг содир этилишига биринчидан Эргашнинг энгилтаклиги сабаб бўлган бўлса, иккинчидан ёғир жиноятлари учун муқаддам судланган Б. Дадаевни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ, Р. Абдуллаевни эса Тошкент вилояти Калинин тумани ИИБ яшаш жойларида рўйхатга олиб, уларнинг ҳаёт тарзи ва меҳнат фаолиятлари устидан назорат ўрнатмаганлигидир. Яна бир ачинарли томони шундаки, Чирчиқ дарёси воқасида жойлашган хилват дам олиш зонасига жиноятчилар яшигана ўрнашиб олиб, жиний фаолиятларини бе-малол давом эттираверганлар-у, ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Ҳаттоки Тошкент шаҳар 2-авторемонт заводи раҳбариятини ўзига қарашли дам олиш зонасида кимлар ҳордиқ чиқараётгани кизиқтирмагани таажубланарли.

**И. УСМОНОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармасининг тергов қисми бошлиғи, милиция полковниги.

хулосасини ҳам ўзича «тан олмади». Таваккалга мен пичоқ урмадим, бўҳтон уюштиришяпти, деб аюҳаннос солди. Таваккалнинг рафиқаси Маҳфузага сўз берилганда эса... сувга тушган мушукдек жий қолди.

— Сен ҳам одаммисан!— деди Маҳфуза кўз ёшларини артиб.— Ароқ ичаётганинда ёки эримнинг ортидан пичоқ кўтариб қувлаётганинда мени, бир этак болаларимни кўз олдинга келтирмадингми? Ифлос қўлларингда яримжон бўлиб қолган эримни худойим менга кўп кўрганида, уларнинг ҳоли нима кечарди? Илоё, сени кўз ёшларим тутсин!!!

Залда ўтирганларни бу оқфарёд титратаб юборди Юз тавалло қилган Муталлибнинг оғзига калима келмай қолди. Ниҳоят, суд раиси ҳукмини ўқи эшиттирди. Муталлиб Мирзаев Ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуасининг 81-моддасига асосан беш йил озодликдан маҳрум этилди.

Ҳа, уни аёлнинг кўз ёшлари тутди...

**Уктамжон ХОЛИҚОВ,**  
Андижон шаҳар халқ суди маслаҳатчиси.

Муталлиб қўлида пичоқ пайдо бўлди.

— Ҳозир мен сени!.. Қараса, иш тескари томонга айланиб кетди. Ким мард — ақмоққа тенг келмай, жонини қўтқарган мард. Эҳтимол, ўша лаҳзаларда Таваккалнинг миясидан шу фикр ўтгандир. Қочди. У қувди. Бу воқеа шундай тез юз бердики, бошқалар

СУД ЗАЛИДАН

## АЁЛ ЙИҒЛАМАСИН

ҳайдовчиси Фафуржон Эсоновлар 200 яшиқ помидор олиб келишди. Корхона ишчиси Одилжон Уринов кўрсатган жойга маҳсулотни тўкишди-ю, балога қолишди.

Қаёқдандир пайдо бўлган Муталлиб Таваккалнинг қорнига қўлини бигиз қилиб туртди.

— Нега сўрамасдан бу ерга тўқдинг ёки шу катта қорнингга ишонаясанми?

Э йўқ, бе йўқ, бундай ҳақоратга дучор бўлган Таваккал ҳам ғазабга ортиқ чидамасди. Итариб юборди. Ароқнинг қудратидан кўзи қонга тўлган

каловланиб қолишди, кейин кечикишганини ҳис қилишди. Таваккал чап кўкрагига тиг чучур ботганини, аъзон баданини қаттиқ оғриқ эггалганини сездди, кейин гурсиллаб йиқилди...

Тўрга тушган балиқни томоша қилганмисиз? Наҳот йўқлигини сезадими-йўқми, билмай-миз-у, лекин қутулиб кетишга интилади, жон ҳолатда типирлайди. Қора курсида ўтирган Муталлиб ҳам ўзини шундай тутди. Уша машъум воқеага гувоҳ бўлганлар кўрсатмасини, ҳатто суд-тиббий экспертизаси



**АНДИЖОН** шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати ходимлари вилоят марказида жамоат тартибни сақлаш

ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**СУРАТДА:** милиция катта сержанти Маҳмуджон Мадаминов ва милиция сер-

жанти Ботиржон Аҳмедовлар навбатчилик пайтида.

**Ғулумжон УБАЙДУЛЛАЕВ** олган сурат.

## ЁЛҒОН ТАВБА-ТАЗАРРУ

Абдуазиз мактабда безорилиги билан ном чиқарганди. Танаффус пайтларида ўзидан кичик болаларнинг тангаларини тортиб олар, қиз болаларнинг ҳали у, ҳали бу нарсалари йўқолиб қоларди. Уйдан кўчага қочиб, ўзига ўхшаш саёқлар билан текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб, кунни кеч қиларди. Унинг ноҳўя ҳатти-ҳаракатлари кундан-кунга орта борди. Қинғир қадамларини билган милиция участка вакили Абдуазизни бир неча марта огоҳлантирди. Аммо у ўз билганидан қолмади. Войга етмаганлар билан иш олиб борувчи милиция участка вакили уни жиноят содир этишга мойиллиги бор ўсмир сифатида махсус рўйхатга киритиб қўйди. Вакил адашмади. Кунлардан бир кун у навбатдаги «овга» чиққанида қўлга тушди.

Тошкент вилояти Калинин тумани халқ суди уни икки йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо Абдуазизнинг ёшлигини ва унинг кўз ёш тўкиб, астойдил қилган тавба-тазарруларини ҳисобга олиб, ҳукми шарҳ... ривожиди вақт кечинтирди.

Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Вақтинча ўзини беозор қилиб кўрсатиб юрган Абдуазизнинг нафси тагин ҳақалак отиб қолди. Яқин атрофдагиларга у отнинг қашқасидек таниш бўлиб қолгани сабабли энди у йўлтўсарликни овлоқроқ жойда амалга оширишга

қарор қилди. 1990 йилнинг еттинчи август кунини у Сирғали районининг 10-даҳасида жойлашган «Коммунистик шаҳабалиқнинг 50 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғига келди. Хиёбоннинг одамлар сийрак жойига бориб ўтирган Абдуазиз бола етаклаб келаётган аёлга кўзи тушди. Аёл яқин келганда, унинг бўйнидаги тилла маржон Абдуазизни ўзига тортди. Абдуазиз у ёқ, бу ёққа қараб олдида, унинг кетидан яшин тезлигида бориб маржонга чанг солди. Нима воқеа бўлаётганлигига ақли етиб ўзини ўнглаб олган аёл йўлтўсарнинг қўлидан маҳкам тутдида, дод сола бошлади. Ишнинг чапчасига кетганини билган туновчи унинг қўлидан юлқиниб чиқдида, қочишга тушди. Аёлнинг чинқирғини эшитган шу яқин атрофдан ўтиб бораётган милиция ходимлари йўлтўсарни тезда ушладилар.

Кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек, шу билан Абдуазизнинг туновчилик касбига нуқта қўйилди. Боши тошга тегиб кўзлари мошдек очилган айбдор кўз ёш тўкиб, яна тавба-тазарру қила бошлади. Лекин вақт ўтиб, аллақачон галвир сувдан кўтарилган эди. Илгари ҳам бир бор судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олманган Абдуазиз Набиевни Сирғали тумани халқ суди уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**

## НАСИБ ҚИЛМАДИ

Дарҳол туман ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Самандар Полвонов, шу бўлим катта

инспектор, милиция капитани Султонбой Йўлдошевлар ишга тушишди. Уғри «Ленинград» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Давлатёр

Жуманиёзов экан. Яқинда Ҳазорасп тумани халқ суди Д. Жуманиёзовни 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди, Уғрилик билан топилган моллар унга насиб қилмади.

**Саъдулла БОБОЕВ,** Ҳоразм вилояти.

— Туринг, суд келаяпти! Ниҳоят, суд ҳайъати ўз ўрнини эгаллади. Бошқаларга ҳам ўтиришга руҳсат берилди. Кейин муқаддам қора курсига беш марта ўтиришга улгурган, ўттиз етти баҳорни қаршилаган Муталлиб Мирзаевга нисбатан айблов фикри ўқиб эшиттирилди. Бирин-кетини гувоҳлар сўзлай бошлашди. Шу аснода ўтган йил 4 июль кунини Андижон консерва заводида бўлиб ўтган мудҳиш воқеа бутун кўриниши билан намоён бўла бошлади.

... Уша кунини Муталлиб ишхонага ўзи билан бир шиша ароқ олиб келди. Пайт топиб, иккига бўлиб ичди. Яхшигина кайф бўлди. Лекин бунини уста Муҳаммадсобир Тошматов сезиб қолди. Койиди. Кейин маст ҳолда ишлаш мумкин эмас, дея заводдан ташқарига чиқариб юборди.

Ким билади дейсиз, эҳтимол кап-катта одамнинг ёш боладек ташқарига чиқариб юборилиши иззат-нафсига теккандир, эҳтимол, маст ҳолатда бўлса ҳам ўзини вазифани бажара олишга қодир сезгандир. Ҳар ҳолда у яна қайтиб кирди.

### ТАКЛИФИМ БОР

## ЙЎЛ СОЛИҒИ ОЛИНМАСА

Мана бозор иқтисодига ҳам ўтдик. Нарх-наволар осмонда. Аммо ваъда қилинган моллар ҳануз дўконларда йўқ. Авваллари тилла, биллурларни ўмарилган бўлишса, ҳозир чит, чойшабларни ҳам ўғирлаб, пуллашмоқда. Бу эса ўз навбатида ички ишлар ходимларининг ташвишига ташвиш қўшмоқда. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин, деганларидек, ўғирланган нарсани топмай кўрингчи, ҳозирги вақтда халқнинг маломатига учрайсиз.

Аммо милиция ходимларининг ҳаётларида ўзгартиш бўлдими! Кечаю кундуз ишлаши ўз қадрини топмаётгандек туюлади менга. Мисол учун ўқитувчиларни олайлик. Уларнинг иш вақти 3-4 ёки 3-6 соатини ташкил этади, бунинг ўстига ер солиғидан озод қилинган, электр қуввати ва газдан, қишда кўмирдан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Навбатсиз уй-жой билан таъминланади. Бироқ болалар тарбияси ўзгармай қолмоқда. Улар орасида жиноятчилик ўсаяптики, камаймаяпти.

ИИБдаги мавжуд транспорт воситалари эҳтиёт қисмлар йўқлигидан яроқсиз ёки эски. Шунинг учун шахсий автомашинали ҳар бир ходимимиз ундан давлат хизматларини бажариш йўлида фойдаланишадми. Аммо ёниги ва унга кетаётган эҳтиёт қисмларини ўз чўнтагидан тўлайди. Бунинг ўстига ҳар от кучига 2 сўмдан йўл солиғи ва бошқа солиқлар тўлашга мажбур. Ишимизнинг унумли бўлиши энг аввало икки нарсага боғлиқ: телефон ва автотранспортга. Шу ўринда автомобиллардан ҳеч бўлмаганда йўл солиғи олинмас-ю, телефон масаласи ҳал этилса.

Уйлайманки, менинг таклифимни барча ички ишлар ходимлари қўллаб-қувватлайдилар.

**Акmal КОМИЛОВ,**  
милиция майори.

Ўтган йил охирида Ҳазорасп тумани «Прогресс» давлат хўжалиғи ҳудудида яшовчи Р. Жуманиёзов унинг деворини кимдир вандеоманитофон, 1015 сўмлик икки касетали япон магнитофони ҳамда 7000 сўмлик давлат заёмини ўғир-



# «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ— МУЛОҚОТ ЙЎЛИ»

## ИЧОНҚАЛЪДА ОСОЙИШТАЛИК



«Буюк ипак йўли—мулоқот йўли» шiori остида ўтказилаётган ЮНЕСКОнинг халқаро экспедицияси 30 апрель куни кўҳна Хоразмга ташриф буюрди. Маълумки, бу экспедиция 19 апрелда Ашхободдан йўл олган бўлиб, у икки ой давомида Ўрта Осиё жумҳуриятларининг шаҳар ва пойтахтларидан ўтади ҳамда Олмаота шаҳрида ўз ишини якунлайди. Экспедициянинг дастури ранг-баранг: Хива ва Олмаотада халқаро илмий семинар ўтказилади. Тошкентда эса «Тижорат симпозиуми» бўлиб ўтади.

Биринчи, май куни меҳ-



монлар Хивада бўлиши. Ичанқалъа музей-қўриқхонаси комплексига кирувчи тарихий обидаларни кўздан кечириши. Кўҳна Арк майдонида эса хоразмча қадимий анъаналар, урф-одатлар, тўй маросимлари акс эттирилган театрлаштирилган томошаларни мароқ билан кўриши.

Шунингдек, меҳмонлар Огаҳий ва Шерозий боғларини бориб кўриши, меҳнат жамоаларида бўлиши. 4 май куни экспедиция Боғот тумани ҳудудидаги Қалъажик қалъаси ва Ҳазораспдаги Девқалъа ёдгорликларини бориб кўриши. Ва Амударёдан ўтиб, эндиликда 400 чақиримлик масофани туяларда—чинакам карвонда босиб ўтишади.




ЮНЕСКО экспедицияси аъзолари чет эл маркаларидаги турли енгил машиналарда узоқ йўл босиб келишган. Уларнинг манзилларга бехатар етказиш, кат-

та шаҳарлардаги кўп кишилик байрам томошаларида кузатиш ишлари давлат автотомобил назорияти ходимлари зиммасида. Ҳар бир вилоят ўз ҳудудида экспедиция ҳаракати учун масъулдир. Шунинг мамнуният билан қайд қилиш керакки, узундан-узун машиналар карвони шаҳардан-шаҳарга, манзилдан-манзилга бехатар, бахтсиз ҳодисаларсиз етиб олмоқдалар. Бу, албатта, постда ўз вазифасини ҳалол бажараётган ички ишлар идоралари ходимларининг меҳнати самарасидир. Карвон йўлда давом этмоқда. Сафаринг бехатар бўлсин!

Саъдулла БОБОЕВ,  
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

Суратларда ЮНЕСКО экспедициясининг Хоразмда бўлиш пайтидан лавҳалар акс эттирилган.

Муаллиф олган суратлар.



Ғайрат Жўра, Раҳмон Али

# КОТИБАСИ БИЛАН ТУГАГАН ЗИЁФАТ

РАСМИ Э. РАҲМАТОВ ЧИСТАИ

Зомин тумани ИИБ оператив-қидирув гуруҳи аъзолари ташвишли хабарни олишлари билан йўлга отлаштиди. Орадан кўп ўтмай Уляново шахридаги Дўстлик кўчасида яшовчи ногиронлар уйининг ходимаси Ҳабиба Жабборованинг уйига киришди-ю, даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлишди.

Катта стол атрофидаги учта стулдан бирида хонадон соҳибаси ўтирар, ярим очик кўзларини юмишга ҳам улгурмаган, ҳаётига зомин бўлган пичоқ ёғоч сопиғача танага ботирилганди.

Изқуварлар дарҳол воқеа тафсилотини аниқлашга киришиб кетдилар. Бўш шилалар, стол устида қолган учта қадаҳ, сигарета қолдиқлари бу ерда муқаддам базм-жамшид бўлганидан далолат берарди. Қолаверса, юқорида айтилганидек, марҳуманинг ёнида яна иккита бўш стул. Хўш, иккинчи ва учинчи улфатлар ким бўлган? Қолаверса, стуллардан бирида осилиб қолган шарф кимники? Марҳуманинг кўксига зарб билан урилган пичоқ тўғри юракка санчилган, лекин бирор томчи қон оқмаган. Хўш, совуқ қуролни жасаднинг кўксидан суғуриб олишга ҳам «ҳафсала» қилмай, жуфтани ростлаб қолган «тажрибали» қотил ким? Изқуварлар олдида ана шундай чигал саволларга жавоб топишдек масъулиятли вазифа кўндаланг турарди.

Қўни-қўшнилар билан суҳбатлашилди. Уларнинг айтишига қараганда, ёлғиз ўзи яшаган марҳума кўпчиликда енгилтабиат аёл сифатида тасаввур қолдирган. Ҳатто жожеа юз берган кун — ўтган йил 12 декабрда унинг уйига нотаниш аёл ва эркак киши кириб кетганини кўрганлар бор. Ичкаридан ширин тилаклар айтилганини, қадаҳлар уриштирилганини, мусиқа ва ўйин-кулги товушлари янграганини эшитган-



лар ҳам бор. Ҳатто марҳума уйдан сархўш чиқиб, кўчада ўйнаб юрган болалардан пулга ароқ келтириб беришни илтимос ҳам қилган.

Бу кўрсатмалар қидирувга туртки берди. Лекин аини пайтда ўша эркак ва аёл ким эканлиги яна сирлигича қолаверди.

Жасадни обдон текшириб кўрган мутахассислар унинг чап қўли операция қилинганини айтишди. Энди калава-

нинг учи топилгандек бўлди. Аёлнинг дугоналари, қолаверса, заррача гумондор бўлган кишилар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашишга тўғри келди. Маълум бўлишича, у қўлидаги безни онкология шифохонасида олдирган экан.

Туман орасидаги шубҳалар секин-аста ойдинлашарди. Шифохона ходимларидан бирининг гувоҳлик бериши масалага янада аниқлик киритди.

— Абдураҳмон аканинг бўйнида доимо шарф бўларди, — деди у масаланинг моҳиятига тушунмай туриб. — Лекин нимагадир кеча ишга келмади. Тинчликми?

Шундай қилиб, марҳума уйда унутиб қолдирилган шарфнинг эгаси шу шифохона врач Абдураҳмон Избосаров бўлиб чиқди. Экспертиза ҳам қадаҳлар ва сигарета қолдиқларидаги бармок излари уники эканлигини тасдиқлади.

— Тўғри, чиндан ҳам уни мен ўлдирганман, — деди врач чуқур тин олиб. Воқеа бундай бўлганди.

...Марҳума чап қўлидаги безни унга операция қилдирди. Кейин қўли енгил шифокор хизматини тақдирлаш ба-

ҳонасида уйига меҳмондорчиликка таклиф этди. Бир ўзининг бориши ноқулай туюлди, ҳарқалай А. Избосаров шифохона котибаси Тамарани ўзи билан бирга боришга кўндирди. Эрта билан бошланган маишат узоқ давом этди. Ароқ, қолаверса, мусиқанинг шўх садолари уларга ўзгача завқ-шавқ бағишлади. Роса яйрашди, ейишди, ичишди, ўйнашди. Дилтортар одамлар тўпланишса, ароқнинг кайфи ҳам унчалик таъсир қилмас экан. Хонадон соҳибаси ўта дилкаш ва меҳмондўст эмасми, кўчадаги болалардан илтимос қилиб, яна ароқ олиб келтирди. Хуллас, бир маҳал соатга қарашса, унинг миллари бешдан ошибди.

— Вой, кеч бўлиб қолибди-ку, — деди Тамара ўрнидан туриб. — Фақат менга рухсат, сизлар эса бемалол ўтираверинлар. Шошмасам ҳам бўлардику-я, лекин боланим боғчадан олишим керак.

Тамара билан бирга ўзи кетишни хоҳламадими ёки хонадон соҳибаси юзидан ўтолмадими — бу бизга қоронғу. Ҳар ҳолда у қолди. Бир уйда, шоҳона дастурхон атрофида бир аёл ва бир эркак...

Яна рақсга тушишди, яна ичишди, яна рақсга тушишди, яна ичишди. Ана шундай шод-хуррамликнинг оқибати жожеа билан тугайди, деб ким ўйлабди дейсиз!

— Роса кайфим ошиб қолди, — дейди А. Избосаров нигоҳини ердан узмай. — У ҳам чулдирай бошлади. Лекин ақлини йўқотмаган экан. Бир пайт менга шарт қўйди. Мана, менинг уйимда ўтирибсан, номусимга тегмоқчи, зўрламоқчи бўлди, деб милицияга арз қилсам, шарманданг чиқади. Шунинг учун фалон сўм берасан, деб туриб олди. Кейин мен жаҳл устида...

Марҳуманинг кўксига пичоқ урди. Шундай урдикни, сопиғача ботиб кетди. Кейин пичоқни суғуриб ҳам олмади, эшикни ҳам ёпмай кўчага отилди.

Лекин у касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган нақлни унутди. ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Мамадиёр Бойзоқов, ЖҚБ катта опервакили, милиция капитани Маҳмуд Отабеков, участка вакили, милиция лейтенанти Ражаб Қўзиев, милиция майори Мирза Маматқулов, милиционер Фулом Комиловлардан иборат изқуварлар гуруҳи бу қотилликни атиги уч кунда фох этди.

Бундай қараганда, масала ҳал бўлгандек кўринади: жиноят очилди, қотил ҳибсга олинди. Лекин бизни бир нарса қийнайди. Саломатлик посбони ҳисобланмиш олий маълумотли шифокорнинг маишатга берилишини, кечаги бемори юрагига пичоқ уришини қандай изоҳлаш мумкин? Сиз бунга нима дейсиз, азиз рўзнамасевлар?



**Аралбой Узоқберганов** Нукус шаҳар ИИБ балоғатга етмаганлар назориятида ишлаб бошлаганига эндигина бир йилча бўлди. Ешлигига қарамасдан вазифасига снд-қидилдан ёндашганлиги, билмаганларини мураббийларидан тинимсиз ўрганаётганлиги туфайли бўлим жамоасида ўзига яраша ҳурмат қозонди.

**СУРАТДА:** А. Узоқберганов Нукус шахридаги ВЛКСМ 30 йиллиги номли мактаб комсомол ташкилоты котиб Бердах Тўраниёзов билан ўқувчилар ўртасида суҳбат ўтказмоқда. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

## «БАЛИҚХЎР»

Дилмурод Норпўлатовнинг кўнгли кейинги пайтда балиқ тусаб қолди. Қандай топши мумкин! Шун ҳам ўйлаб ўтирадими! Ахир, кимсан, катта бир корхона — Тошкент шахридаги «Ўзбекистон» тери ва пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг умумий ишлар бўйича ўринбосари.

Кунларнинг бирида Д. Норпўлатов Ғалаба туманига қараб йўл олди. Бу ерда корхонанинг дам олиш зонаси катта омборчис М. Шукуров ва ишчи Б. Холдоровга санитария қондаларига риоя қилмаганингиз учун ишдан бўшатаман, деб дўқ ура бошлади. Охирида бир бош қўй ва 20 килограмм балиқ топиб берсангиз, буйруқни бекор қиламан, деб айтди.

Д. Норпўлатов қўй ва балиқни «совга» сифатида олаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди.

Ғалаба тумани халқ суди Дилмурод Норпўлатовни уч йил озодликдан маҳрум этди. М. ҲАКИМОВ.

## Ўқ узиб тўхтатилди

Тунги соат иккилар эди. Яшил рангли «ВАЗ-2106» белгили автомобиль Спутник-10 даҳасига катта тезлик билан кириб келди. Уни бошқараётган номаълум ҳайдовчи милиция машинасини кўриб, тезликни пасайтирди. Утиб олгач, яна шамолдек учуриб кетди.

Бу ҳол тунги хизматни ўтаётган Сирғали тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими навбатчи инспектори, милиция лейтенанти Барот Уразбоев, милиция катта сержанти Нуржигит Тожибоев, милиция кичик сержантлари Ботир Назаров ҳамда Қурбонбой Яхшиликларни бефарқ қолдирмади. Қўлга олиш гуруҳи зудлик билан машинага ўтирди ва на олдида, на орқасида давлат рақамлари, ҳатто пешойнаси ҳам бўлмаган «Жигули»ни таъқиб эта бошлади.

Улар зум ўтмай қочоқларга етиб олишди ва тўхташга буйруқ беришди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек, номаълум ҳайдовчи буйруққа итоат этмай, тезликни янада оширди. Бундай пойганинг олди олинмаса, оқибати ёмон тугаши мумкин. Шу боис Б. Уразбоев тўппончадан ҳавога бир неча марта огоҳлантирув-

чи ўқ узишга мажбур бўлди. Шундагина «Жигули» қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Қилғиликни қилиб қўйиб, энди дағ-дағ титраётган Тўйчиев ва Муҳаммедовларнинг таслим бўлишдан ўзга чоралари йўқ эди.

Маълум бўлишича, улар ўзлари олиб қочаётган машинани куппа-кундуз кўни метронинг Ҳамза бекатида тўхташган ва ҳайдовчи Л. Усмоновдан Пионер бекатигача олиб бориб қўйишни илтимос қилишган. Йўлда эса уларнинг ниятлари бузилиб, Л. Усмоновга пичоқ ўқталишган.

Елкасига пичоқ шаклидаги ажал тиралиб тургани учун у зўравонлар қаёққа буюришса, рудни ўша томонга буришга мажбур бўлган. Шофайзи бекатига етганларида эса машинасида ажралсада, умри фойдага қолганидан мамнун бўлиб, пастга тушган. Босқинчилар эса унинг машинасини номаълум манзил томон ўқдек учуриб кетишган.

Тинчлик посбонлари уларнинг йўлига ров бўлишди. Ҳозир Октябрь тумани ИИБда тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Мирҳон МИРАҲМЕДОВ,** милиция капитани.